

1. иловас

**INT-G0029/48 - СОН**

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА**

**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Үйчи ш.**

**2022 йил “18” январь**

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанийнинг АК “Ўзбектелеком” Наманган филиал директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Үйчи тумани X.К.Т ва О.О.М.Х.Д.М Устав (Низом, рўйхатта олинганилк тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи А.Атаханов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:**

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловини тегиши молиавий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тур ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан холда белгиланади.

**2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллӣ валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва ийғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Иль бор уланинда Абонент тўлови 100 ( бир юз ) фоиз микдорида оддиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови оддинда тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тур бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни ҳисобга олган холда) 300 000,00 (Уч юз минг) сўмни ташкил этади. Ушбу сума 100 000,00 (Бир юз минг) сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқа сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблагларни ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакими тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етапи маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатга ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календар ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиш блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера конидлари билан тартибида солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўрининида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарilmайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужожатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга

нишбатан жавобгарликнинг чекланиши холатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ туманлараро иктиносидай судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашибни тартиба солувчи конун хужжатлари нормаларини бузилиш мумкин бўлган ҳар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катгий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик мадданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиб чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаoliyatlariга боғлиқ бўлмаган ҳар кандай холатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор холатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирофонома/шикоят/таклиф қўринишидаги мурожаати кўпли билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишили шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат мувалифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор килинади.

#### 7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномода ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 декабр йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиши муддати тутаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинishiни ёълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 март йил 31 марта қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул килганлиги ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида ёълон қилинган. Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгартган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошча ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АҚ Наманган филиали	Уйчи тумани X.К.Т ва О.О.М.Х.Д.М
Манзил: Наманган шаҳар Истиклол кучаси 57-йй	Манзил: Уйчи тумани Бог мфй, Навбахор кучаси 1 уй
Банк маълумотлари:	Шх/р: 100022860142297042136250001
x/r: 2021 0000 0040 7483 8363;	СТИР: 200099647 МФО 00014. ОКОНХ: 22200
СТИР: 203366731;	Уз.Рес.Молият Вазирлигига азначилиги
МФО: 00401: АТБ “Алокабанк”	X/r: 23402000300100001010
Тел: _____;	СТИР: 201922919. МФО 00014
E-mail: 626@uztelecom.uz;	Банк: Рес.Марказий банк ЎЗКМ.
	E-mail: _____
Операторномидан:	Дот: _____
Б.Нурматов	
	Абонентномидан:
	/ИМЗО/
	М.П.
	А.Атаханов

*Юрист ЗФ Ф.Нураев*

Исп.: Абдумуталиев У  
Тел: (369) 482-22-50

2022 йил “**18**” Январь  
INT-G0029/48 –сонли абонент шартномасига  
1–илова

Кўрсатиладиган хизматлар

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги Миллий валюта - йиғиндиси

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билин Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
	Mini Office-2 тариф режаси бўйича 2 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш		Нархнома		
2.1	Абонент тўлови	100 000.00	Нархнома	1	100 000.00
<b>Жами (олдиндан тўлов)</b>					100 000,00

Жами олдиндан тўлов микдори 100 000,00 (Уч юз минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 %  
микдорида. Ҳар ойлик тулов 100 000.00 сум

Шартноманинг умумий микдори 300 000,00 (Уч юз минг) сўмни ташкил этади. Ундан  
100 000,00 (Бир юз минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда \_\_\_\_\_

(\_\_\_\_\_) сўм бир маротабалик FTTx технологияси бўйича  
уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Наманган филиали

Оператор номидан:

Директор

Б.Нурматов



**АБОНЕНТ:**  
Учин тўмани X.К.Т ва О.О.М.Х.Д.М

Абонент номидан:

А.Атаханов



/имзо/  
м.ў.

2022 йил “18” Январь  
INT-G0029/48 – сонли абонент шартномасига  
2-илова

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил “18” Январь  
INT-G0029/48 - сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини  
топшириш - қабул қилиш далолатномаси

№	Қурилманинг дастурий таъминот номи	Микдори	Серия коди ёки завод рақами	15% ҚҚСни инобатга олган холда, етказиб бериш киймати, (сўмда)
1	2	3	4	5
1				

\*Курилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.

\*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан  
техник шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.

\*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.

\*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгалик қилиш хуқуқини бериш тўғрисидаги хужжатdir.

**ОПЕРАТОР:**  
“Ўзбектелеком” АК  
Намангандарали

**АБОНЕНТ:**  
Уйчи тумани Ҳ.К.Т ва О.О.М.Х.Д.М

Оператор номидан:



Директор

Б.Нурматов

Директор

А.Атаханов

